

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta <http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati



14
ЯНВАРЬ –

БАТАН
ҲИМОЯЧИЛАРИ
КУНИ

“МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФИДА МАРД ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА”

■ Она тупроқни азиз билиш, асраб-авайлашни ўзига шараф билган йигитлар ҳақида ҳикоя қилувчи “Сардор” сериали образлари томошабин қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириб, мардлик ва жасоратга ундайди. Озоджон ҳам ёшлигида фильм қаҳрамонларидай ҳарбий бўлишни орзу қиларди.

Бухоро вилоятида туғилган Озоджон серғайрат, тиришқоқ бўлиб вояга етди. Умумтаълим мактабини аъло баҳоларга битиргандан сўнг, Тошкент олий умумқўшун кўмондонлиги билим юртида ўқиди. Спортнинг бир неча турлари билан астойдил шуғулланиб, эр йигитлардай чиникди.

Олий таълим муассасасида ҳарб илмини ўрганиш давомида ақл-заковати, касб маҳоратини ошириб борди, машғулотларда тобланди. 2014 йилда Шарқий ҳарбий округининг Андижон вилоятида жойлашган ҳарбий қисмда хизмат фаолиятини бошлади. Кейинроқ Фарғонага кўчирилди.

Давоми 2-бетда



Истеъдодни кашф этмоқ — МАСЪУЛИЯТ



Иллатнинг бугунги ва эртанги тарбиячилари – оналар ижтимоий фаоллигини ошириш давлат ва жамият аҳамиятига молик ишдир. Бундан чорак аср илгари Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси тавсиясига кўра, Президент Фармони билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ана шу олижаноб мақсадга хизмат қилмоқда.



Давоми 2-бетда

ОДАМЛАР НИМА ДЕСА, ДЕСИН...


Халқимизга хос бўлмаган иллатларга барҳам берайлик, савобли амалларни қанда қилмайлик!



Давоми 3-бетда

ЯНГИ РЕЖАЛАРДА ЯНГИ МАҚСАДЛАР

2025 йилда Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бир қатор истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.



Бунинг эвазига, ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини янада ошириш, янги иш ўринларини яратиш, энг муҳими, камбағалликни қисқартириш белгиланди. Бундай мақсадли кўрсаткичлар қуйдагилардан иборат:



– **6** миллиард доллар микдоридagi инвестиция лойиҳаларини бошлаш;

– **1,2** мингта инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

– **497** минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш;

– **1,5** миллиард доллар микдоридagi маҳсулот экспортини амалга ошириш;

– **3,7** миллиард доллар микдоридagi инвестицияларни ўзлаштириш;

– **49** та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

– вилоятда камбағаллик даражасини **5 %**га тушириш кўзда тутилди.

Шунингдек, шаҳар ва туманларда **1210** гектар ер майдонларида хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Хитой тажрибаси асосида “Фарғона – янги иқмониятлар” махсус саноат зоналари ташкил этилади;

– **Марғилон шаҳридаги** “Наврўз” маҳалласида танланган **117** гектар ер майдонда “Янги Ўзбекистон” массиви ҳамда Бурхониддин Марғинович мажмуаси бунёд этилади;

– **Қува туманидаги** “Каркидон” сув омбори ҳудуди ҳамда Фарғона туманининг Шохимардон қишлоғида туристик зонани ривожлантириш ва бошқариш мақсадида туристик-рекреацион зона дирекцияси ташкил этилади;

– **Беширик туманининг** Тожикистон Республикаси билан чегара ҳудудидаги **4,4** гектар майдонда Термиз тажрибаси асосида эркин савдо зонаси барпо қилинади.



“МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ

САФИДА МАРД ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА”

Бошланиши
1-бетда.

Қалбига, онгу тафаккурига жо бўлган ватанпарварлик, она юртига содиқлик туйғуси унга ҳаминча куч беради. Катта тажрибага эга Мехриддин Қўчқоров, Йўлдош Холиқов, Ахрор Жаъфаров, Шўхрат Абдуллаев каби офицерлар ёш ҳарбий мутахассисга устозлик қилдилар.

Озоджон хизмат бурчини бажариш баробарида, соҳа миқёсидаги танловларда фахрли ўринларни қўлга киритди. Маънавий жонкуяри сифатида турли маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб, сафдошлари қалбига ҳарбий-ватанпарварлик руҳини сингдиришга муносиб ҳисса қўшди.

Кечагина ёш офицер бўлган Озоджон Аминов бугун ҳарбий қисм командири ўринбосари даражасига эришди, майор ҳарбий унвонига эга бўлди. У ҳамкасблари қатори оддий аскарларга акадай, яқин дўстдай муносабатда бўлади. Бунда унинг билими, тажрибаси қўл келади. Отанаси бағридан маълум муддатга узоқлашган йигитларнинг руҳиятини ўрганади.

Озоджон “Қобуснома”, “Темур тузуклари” китоблари мутлоасини яхши куради. “Ватанпарвар” газетаси, “Шарқ кўргони”, “Ўзбекистон армияси” каби журналларнинг ҳар янги

сони билан таниш. Шундан-да, онгиги шуъри бой, дунёқараш кенг.

— Азму шижоат, мардлик ва донишмандлик тимсоли бўлган Соҳибқирон Амир Темур буюк салтанат барпо этиб, давлатни адолатли бошқариш, ҳалоллик, ватанпарварлик ва доврақлиқни ўзидан мерос қолдирди. Буюк сиймо илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди. Унинг ҳарбий санъат мероси, тинчликпарвар сие-сати бир неча асрлардан буён жаҳон халқларининг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Ватан посбонлари Юртбошимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондон Ш.Мирзиёевнинг доимий диққат-эътиборида, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатланган. Энг муҳими, халқимизнинг дуоси, миннатдорчилик сўзлари бизга куч-қувват беради. Миллий армиямиз сафида мустақил Ўзбекистонимизга содиқлик билан хизмат қиладиган, унинг манфаатлари ва сарҳадларини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя этишга азму қарор қилган мард, жасур, жисмонан чиниққан, ақл-заковатли ўғлонлар хизмат қилмоқда, — дейди Озоджон Аминов.

Ҳарбий йигит турмуш ўртоғи Ситорахон билан Мухаммадмин ва Муслимахонни тарбиялашмоқда. Фарзандлари улғайиб, Ватан ҳимоячиси бўлишни ихтиёр қилишса, масъулиятли соҳани танлашса, отаси уларни қўллаб-қувватлашга тайёр.

Озоджон Бухоро фарзанди эмасми,

кўнгли ҳадеганда шариф шаҳарни кўмсайверади. Хонлар арки, “Лаби ҳовуз”, “Ситораи моҳи хоса”, “Минораи Калон” каби тарихий обидалар, бу манзилларда ўтган болалиги ҳақида фарзандларига гапириб беришни қанда қилмайди.

— Ҳар тонг ота-онамга кўнғироқ қиламан. Уларнинг дуолари билан кунни бошлашга одатланганман. Олисдаги меҳрибонларимнинг меҳр тўла сўзлари менга қувват беради, — дейди Озоджон.

Бухоронинг Шофирконидан меҳмонлар келиб қолишса борми, Озоджон уларни Фарғонанинг кўркам жойларига, зиёратгоҳларига саёхатга олиб боради. Янги йил арафасида ҳам яқинларини Қўқон шаҳридаги “Ўрда” майдони, Фарғона шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массиви, Ислон Каримов номидаги театр-концерт саройига таклиф қилди, байрам тантаналарида иштирок этишди. Фарзандлари ортдан ҳурмат-эътибор топган Ашраф ака ва Дилфуза опанинг эса қўллари доимо дуода, элу юртга тинчлик, омонлик тилашди.

Озоджон сингари мард йигитларимизнинг иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай юрт ҳимояси, унинг оқолишталиги учун қалқон бўлишлари сабаб, тунларимиз оқолишта, кундузимиз хотиржам. “Йўлбарс изидан, йигит сўздан қайтмас”, дейдилар. Тонг ҳали оқариб улгурмай Озоджон она Ватан ҳимоясига отланади.

Маҳиёра
БОЙБОБОВА.

Ватан десам...

Ватан десам, вужудимни қамраб олар бахтнинг иси. Ватан десам, шукронага тўлиб кетар тўрт томоним. Ватан десам, кўз ўнгимда гавдаланар Баҳодирлар. Диёрани чемпион қилган юрт севгиси, ҳам имони.

Ватан десам, софликларга бурканади тун-у, тонггим. Сипқораман, тўйиб-тўйиб мусаффолик нафасидан. Куртак ёзган ҳар яшиллик, ҳар яхшилик Ватанимдир. Қаламимни чархлагайман, шу муҳаббат ҳавасидан.

Ватан десам, унут бўлар майда ташвиш. Дил андуҳлар. Борлиғимни асир этар фахр, ғурур, ҳам ифтихор. Шу ҳисларнинг кучи ила кўкларга қўл чўзсам етар. Шу севгининг қудрати-ла, менинг тўртта фаслим баҳор.

Ватан десам, жаранг сочар полапоним қикирлари. Атак-чечак қилганида хис этурман тупроқ тафтин. Мендан Ватан нелигини кўрсат дея сўрасалар. Қўлларига тутқазурман парча қоғоз. Унга ёзгум:

ВАТАН – ОНА.
ВАТАН – ФАРЗАНД.
ВАТАН – ИМОН.
ВАТАН – БАХТДИР!

Озодабону РУСТАМОВА.
Ўзбекистон Журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети талабаси.

Оғриқларимиз



БОШЛОВЧИЛАР
ШЕВАГА
БЕРИЛГАНМИ?

Кейинги пайтларда баъзи оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидениеда лисоний фарқларни кўрсатиш, адабий тилни бир четга суриб, Тошкент шеvasида сўзлаш “мода” бўлди.

Илгари кимдир шевада гапирса, кўрсатув бошловчиси уни адабий тилда сўзлашга даъват этар эди. Энди эса, уларнинг ўзлари шевалардан фойдаланишмоқда. Хонандалар ҳам шевада қўйлаш “санъати”ни кўрсатиш билан банд. Муаммо илдишларидан бири шундаки, аксарият хусусий каналларда бошловчиликни журналистлар эмас, актёрлар бажаришмоқда, натижада шевабозлик авж оляпти. Масалан, “Зўр” ТВ каналдаги “Эрталабдан салом”, “Ухламайсизми?” кўрсатувларида очкичасига шевада гапириши одат тусига айланган. Кўп такрорланаётган “кевотувдим, кетовувдим, кевотсанлами”даги “вотти-вотти” аслида, адабий тилдаги “япти” морфемаси орқали ифодаланади (келаётганим, кетаётганим, кел-япсизларим сингари).

Ўзбек тили – давлат тили. Аммо бу улғу маком бирон-бир шевага эмас, ўзбек адабий тилига берилганини унутмаслик керак. Шевабозликка берилишининг ёмон томони давлат тили ҳақидаги қонунни бузиш бўлса, иккинчи томондан – маҳаллийчиликка ружу қўйиш, билибми-билимайми, умумий тил муштаракликка раҳна солиш ҳамдир. Шу ўринда педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошевнинг “Тил тўғрисидаги қонунни байрам қилиб, ош ейдиган кун сифатида нишонлаш керак эмас, уни амалда қўллаш, тарғиби ҳақида қайғуриш керак”, деган сўзлари ёдимизга келади.

Дарҳақиқат, айрим шахслар тил байрами арафасида жўшиб кетиб, “Ўзбек тили – бизнинг энг катта бойлигимиз”, “Она тилимиз – факримиз, ғуруримиз” дея баландпарвоз гапларни айтишадими, ўзлари фикрларига амал қилишмайди. Она тилимизни севмоғимиз, кўз қорачиқдек асрамоғимиз, муҳофаза этмоғимиз даркор.

Мадина ОЧИЛОВА,
Фарғона давлат университети журналистика йўналиши магистренти.

Истеъдодни кашф этмоқ — МАСЪУЛИЯТ

Бошланиши
1-бетда.

Мазкур мукофот ҳар йили бир неча минглаб ўсмир қизларнинг истеъдодлари зоҳир бўлган кўнгилларига ҳаётга теран қараш, ўз ўрнини топиш учун ижтимоий фаоллик, илмий-ижодий қобилиятини шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини янада жўш урдириш, маънавий-ахлоқий комиллик сари интилиш каби фазилатлар уругини сочмоқда. Бу уруғлар бўлажак оналар қалбидида униб, ҳосил бериб, жамиятимиз ҳаётида бўй кўрсатаётгани айни ҳақиқатдир.

Давлат мукофотида дастлабки йилларда сазовор бўлганлар, танловнинг турли bosқичларида иштирок этганларнинг олди ҳозирда қирқ ёшларни орта қолдирдилар ёки шу ёш атрофида. Утган даврда биргина вилоятимиздан 31 нафар истеъдод соҳибалари давлат мукофотини олган бўлса, бир неча минглаб қизлар ўз қобилиятларини синаб кўрди, изла-нишининг машаққатли йўлида чинқиди ва жамиятда ўз ўринларини топдилар.

Дилфуза Содиқова, Нафосат Ўсарова, Нилуфар Абдуғаниева, Дилнавоз Қўлдошева, Шахноза Давлатова, Сарвиноз Саидхўжаева, Муштарий-бегим Қурбонова, Севара Жўраева, Нозима Ҳабибуллаева ва бошқа совриндорлар таълим, фан, маданият, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқдалар. Уларнинг аксарияти ибратли оила бекалари бўлиб улгурдилар, муносиб авлодлар тарбияламоқдалар.

Дастлаб 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган қизлар орасидан вилоятлар миқёсида бир нафари давлат миқёсидаги эътирофга сазовор бўлган бўлса, кейинчалик уларнинг ёши 30 ёшгача узайтирилди. Йўналишларга жамоатчилик фаолияти ҳам қўшилиб, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан қизлар давлат мукофоти билан тақдирланмоқда.

Бугуннинг қизларига қараб, ҳавасингиз келади. Ун тўрт ёшдан бошлаб, уларга давлат мукофоти тақдим этилиши дунёнинг қамданкам мамлакатиди бўлса керак менимча. Ҳар гал танловнинг вилоят bosқичигача етиб келган қизларни кузатиб, уларнинг ўзини туттиши, одо-

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 7 февралдаги Фармони-га кўра, 1999 йилда қабул қилинган Фармонга ўзгартириш киритилиб, қизларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлари ҳам қўшилиб, йўналишлар саккизтага етказилди. Бу замонавий ахборот технологиялари даврида қизлар – бўлажак оналарнинг билиму салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этади, албатта.

би, кийиниш маданияти, зукколиги, билимга чанқоқлиги, интилишидан кўнглингиз тўлади. Фаолиятларига боғлиқ альбомлар, илмий-ижодий ишлари жамланмалари, тасвирий ва амалий санъат соҳасида яратган кўрғазмалари, нашр қилинган китобларини кўздан кечириб, қойил қолмай бўладими?! Ҳатто, ижод намуналари чет элларда ҳам чоп этилганига тасаннолар дейсиз. Мана шу истеъдодни қўлф урдирган, тарбиялаган Зулфияхоним издошлари ўртасидаги соғлом рақобат-да!

Утган йилнинг охириги ойида Аҳмад Фарғоний номли ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтган танловнинг вилоят bosқичида туман ва шаҳарлардан жами 151 нафар қиз иштирок этди. Низом талаблари-га кўра, вилоят ҳокимининг қарори асосида масъул раҳбарлар, фаол депутатлар, етук олимлар, танikli ижодкор ва санъаткорлар, соҳалар мутахассисларидан иборат шакллантирилган комиссия номзодларни сиёсий-маънавий билими, хорижий тилга муносабати, дунёқараш, танлаган йўналиши бўйича иқтидори, жамоатчилик фаолияти, вилоят, республика ва халқаро миқёсда кейинги уч йилда эришган ютуқлари, келгуси режалари бўйича савол-жавоб натижалари ҳамда тақдим этилган ҳужжатларининг мукамаллигига қараб баҳоладилар. Барча йўналиш бўйича уч нафардан иқтидор соҳибасининг ҳужжатлар жамланмалари танловнинг республи-

ка bosқичига ҳавола этилди. Умид қиламизки, ҳар галгидай уларнинг энг муносиб икки нафари бу шарафли эътирофга сазовор бўлади.

Кези келганда, Зулфия номидаги Давлат мукофоти моҳиятини ҳамон англаб етмаётган мутасаддиларга эътирозларимизни айтмай ўтормаймиз. Қизлар билан қилинган суҳбатлар асосида дерли барча туман ва шаҳарларда танловнинг биринчи bosқичи ўтказилмагани аниқ бўлиб қолди. Туман-шаҳар комиссиялари иккинчи bosқичига мактаблар, олий ва ўрта махсус таълим, касб-ҳунар мактабларининг фаол, иқтидорли қизлари орасидан танлаб олаверганлар. Ваҳоланки, агар танлов моҳияти зарур даражада тарғиб қилинганида, балки Тошлок, Риштон, Сўх, Олтиариқ, Бувайда, Қўштепа, Учкўприк, Фарғона туманларидан вилоят bosқичига барча йўналишлар бўйича иқтидорлилар ҳавола этилган бўларди. Бу, имкониятни бой бериш демакдир. Яна бир гап: мактаблардан вилоят bosқичида 52 номзод иштирок этган бўлса, коллеж ва касб-ҳунар мактабларидан атиги 2-4 номзод қатнашди. Нима, бу муассасаларда иқтидорли қизлар камми?!

Туман-шаҳар комиссиялари томонидан низом талаблари унутилиб, шу ҳудуд миқёсидаги ютуқлари асосида вилоят bosқичига ҳавола этилган номзодларнинг борлиги таажжубланарли. Истеъдоднинг ошени кўнғилдир. “Ҳар қандай қизда бир истеъдод бўлади, — дейди мукофотга тақдим этувчи комиссия раиси, вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комилахон Кавлонова. — Ҳамма гап уни ўз вақтида илғай билиш, уйғотиш ва кашф этишда қолган. Бунда, аввало, қизларнинг энг яқини бўлган оналар, устозлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти тавсия этувчи илк bosқичлардаги комиссия аъзолари келажагимиз авлодларига эътиборли бўлсалар, кифоя”.

Дарҳақиқат, унутмаслик керак, бу давлат ва жамият аҳамиятига молик масъулиятли ва хайрли вазифа бўлиб, унга юзакчилик ва бепарволик билан ёндашиб бўлмайди.

Ҳадичахон КАРИМОВА,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ОДАМЛАР НИМА ДЕСА, ДЕСИН...

Халқимизга хос бўлмаган иллатларга барҳам берайлик, савобли амалларни канда қилмайлик!

Махлуқотлар ичида энг мукаррам зот қилиб яратилган инсоннинг гўзал хулқларидаан бири исрофдан сақланиш, Аллоҳ ўзига ризқ қилиб берган неъматларни ўринсиз, беҳуда сарфламаслиқдир. Бу фазилат ҳар биримизнинг эзгу одатларимиздан бирига айланса, шубҳасиз, ҳаётимиздаги жуда кўп муаммоларнинг мақбул ечимини топган бўлар эдик.

Ўзбекистон Муслмонлари идораси уламолар кенгашининг яқиндагина эълон қилинган мурожаатини ўқиб, бунга яна бир қарра амин бўлдим ва беихтиёр бунда роппа-роса бир юз ўн йил муқаддам, яъни таниқли адибимиз Абдулла Қодирийнинг 1915 йилда ёзилган “Тўй” шеърини эсладим. Унда, жумладан, қуйидаги мисралар бор:

**Қилди бу вақт бизда жавлон тўй,
Оқчаси йўқни этди хайрон тўй.
Бир-биридан ошурдилар тўйни,
Топди равнақ ғайрат ила боён тўй.
Беш кун ўтмай тўйни сўнгидин
Кетибон мулклар бонс, ғибон тўй.
Боён тўйига ерилар қараб,
Этди сарф токи тандаги жон тўй...**

Минг таассуфлар бўлсинки, бу ҳолатлар бугунги кунимизда ҳам давом этмоқда. Ачинарлиси, йилдан-йилга тўйлар, оилавий тантаналар, марҳумлар хотираси, ҳаж ва умрага бориб-келувчиларни кутиб олишга бағишланган йиғинлар тури янада кўпайиб, сарф-харажати ошса ошяптики, камаймаяпти.

Кўпинча, бор-будини сарфлаб, тўй қилган кишидан шу кунгача нечта китоб ўқиб чиққанлиги ёки фарзандларига қайси китобларни олиб берганлигини сўрасангиз, жавоб бера олмайди. Уйида фарзандлари китоб ўқиши, вазифа тайёрлаши учун шароит ҳам яратиб берилмаган. Айримлар билан сўхбатлашсангиз, мактаб учун зарур бўлган дафтар-қалам кабиларнинг нархи ошиб кетганидан, китоблар қимматлигидан нолийди, лекин қизининг бир кунлик тўй либосига, ўнлаб машиналар саф тортган никоҳ кортежига, дабдабали тўй базмига гинг демай, миллионларни сарфлаб юборишга тайёр.

Тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчиликлар замиридаги энг катта муаммолардан яна бири айрим оилада фарзандлар вояга етиши билан уларни ўқитиб олим қилиш учун эмас, балки пул топиш учун хорижга жўнатишдир. Бугун бундай ёшларимизнинг кўпчилиги бирор соҳани танлаб, чўқур ва ҳар тарафлама билим олиш учун ўқиш ўрнига, хорижда касбсиз-хунарсиз, кимларнингдир қўлига қарам бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мурожаатда таъкидланган яна бир жиҳат диққатимни ўзига тортди. “Шу ўринда, зиёлилар, ёши кекса отахону онахонлар, нуронийларга айтар сўзимиз, келинг, биргаликда юртимиз аҳолисига, айниқса, юқоридаги каби исрофгарчилик ва дабдаба қилаётганларга тушунтириш ишларини кўпайтирайлик, бу каби иллатларга биргаликда барҳам берайлик. Аллоҳ таоло ато этган

мол-дунёни исроф қилиш – катта гуноҳ эканини ўқтирайлик! Бунинг ўрнига топганларимизни савобли ишларга сарфлаб, бева-бечора, ночор, муҳтожларга ёрдам берайлик, ана шунда улкан савобга эга бўламиз, иншааллоҳ!” – дейилади унда.

Дарҳақиқат, бу муаммоларни ҳал этиш бир-икки кишининг қўлидан келадиган иш эмас. Унга барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, бир тан, бир жон бўлиб киришишимиз, ёшларимизга бугунги хатти-ҳаракатлари, куч-ғайратлари, билимларини бир-икки кунлик тўй-томоша учун маблағ топиш, сўнг ҳамманинг “хавасини келтирадиган” тўй учун эмас, балки келажақда ўзининг бировга муҳтож бўлиб қолмаслиги учун интилишга қаратишлари зарурлигини ўқтиришимиз керак.

Шу ўринда Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” дostonидаги “Ҳотами Той” ҳақидаги ҳикояти эсга тушади. Унда баён этилишича, ўзининг ўта саҳийлиги билан донг таратган Ҳотами Тойдан: “Сиз ўзингиздан ҳам ҳимматлироқ кишини кўрганмисиз?” – деб сўрашибди. Шунда у бир кунни юз туя ва ҳисобсиз қўй-қўзиларни сўйиб, элни чорлаб, жуда катта зиёфат уюштиргани, орада бироз нафас ростлаш учун кўчага чиқгани ва елкасида бир бог ўтин, қўлида ҳасса билан ҳар қадамда бир нафас ростлаб келаётган қарияни кўрганлини билдирибди. Унга: “Ўзингни бунча қийнаб нима қиласан. Эшитмадингми, бугун Ҳотами Той жуда катта базм уюштириб, бутун элни чорлаб, зиёфат бермоқда. Ташла ўтинингни, кир, сен ҳам бу зиёфатдан бахраманд бўл!” – деганида, қария шундай жавоб берганини айтибди:

**...К-эй солибон ҳирс аёғингга банд,
Озу тамаъ бўйиуга боғлаб каманд.
Водийи ғайратга қадам урмагон,
Кунгури ҳимматга алам урмагон.
Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотами Той миннатин.
Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки биров берса ганж...**

Демак, ҳақиқий ҳиммат кимгадир қарам бўлиш, кимлардандир ниманингдир илинжида яшаш эмас, балки ўз кучи, ғайрати, билими билан ҳаётдаги орзу-мақсадларига эришишдир. Шу ўринда, орзу-мақсадларининг ҳам қандай бўлишига эътибор қаратиш зарур. Юқорида айтиб ўтганимиздек, тўй-томоша, турли тадбир ва маъракалари эл қўзига “одамлар нима дейди” учун ташкил қилиш эмас, балки ортқича сарф-харажатларсиз, дабдабаларсиз ўтказиш, ортиб қолган маблағни ўзининг, фарзандларининг илм олишлари учун сарфлашни мақсад қилиш айна муддао бўлар эди.

Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: “Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир. Албатта, ҳар бир кишига ният қилган нарсаси бўлади...” дедилар”. Демак, биз нимани ният қилиб, ишга киришсак, шубҳасиз, ўша мақсадимиз амалга ошади. Ҳотами Той бировларнинг миннатли таомидан кўра, ўз меҳнати билан топган бир дирҳамни афзал кўрган ўтинчи чолни ўзидан кўра ҳимматлироқ ҳисоблаган экан.

Ҳар бир жамиятда бўлгани каби бизнинг ора-мизда ҳам у ёки бу сабаб тўфайли соғлом кишиларга қараганда имконияти чекланган инсонлар борлиги айна ҳақиқат. Бироқ кўриб турибмизки, бундай кишиларнинг ҳаммаси ҳам кимларгадир муҳтож бўлиб яшашни эмас, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда билим олиш, касб-хунарга эга бўлиш ва ўз эҳтиёжларини ўзи қондиришни афзал кўрмоқдалар. Аксинча, баъзида тўрт мучаси соғлом кишилар камбағалликни ўзига “имтиёз” санаб, тинимсиз равишда турли идораларга “шикоятлар” ёғдирмоқдалар.


Мурожаатда айтилган хайру саховатни амалга оширишда бундай “имтиёз” эгалари эмас, ҳақиқатан ҳам шунга муҳтож оилаларни излаб топиш ва “оталиққа олиб, уларнинг фарзандларини ўқув курсларида ўқитиши, касб-хунарга ўргатиши ва доимий даромадга эга бўлишига кўмаклашиш” зарур. Яъни, уларни хайру саховатга ўргатиб, кимларнингдир елкасига юклаб қўйиш эмас, балки келажақда тўғри йўл топиб олишлари учун моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак.

Албатта, ҳар бир ҳудудда ўзига тўқ, бой-бадавлат кишилар бор. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, юртимизда яратилаётган шарт-шароитлар натижа-сида бундай оилаларнинг сони ошиб бормоқда. Уларнинг кўпчилиги хайру саховатли инсонлар эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Мурожаатдан кўзланган яна бир хайрли мақсад шуки, имом-хатибларимиз ўз ҳудудларидаги ана шундай саховат-пеша инсонларни яхши танишади ва билишади. Шунинг учун уларни ўз ҳисобларидан ёшларимизнинг илм олишларига кўмаклашишга, бунинг учун мактабларимизни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланишига ҳисса қўишига қақриш ҳам савобли ишлардан биридир.

Мурожаатда таъкидланган яна бир жиҳат – биз имом-хатиблар учун жуда муҳим эканлигини эътироф этиш керак деб, ўйлайман. Унда имом-хатиблар томонидан тўй-маърака маросимларидаги исрофгарчилик, умра зиёратидан қайтгандан кейин ҳар хил ҳўжақўрсин маросимлар уюштиришдек иллатларнинг олдини олиш юзасидан тарғибот ишларини амалга ошириш белгилаб қўйилган. Бунинг учун, аввало, ҳар бир имом-хатибнинг ўзи шахсий намуна кўрсатиши лозим. Улар ўзлари қилаётган, шунингдек, бевоcита ўзлари иштирок этаётган тўй маросимларини ортқича дабдабаларсиз, исрофгарчиликка йўл қўймасдан ўтказилишига бош-қош бўлишлари керак. Акс ҳолда, халқ орасида турли миш-мишлар, фитналар авж олиши ва натижада “қош қўяман деб, кўз чиқариш” ҳам ҳеч гап эмас.

Хулоса сифатида Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг Адий ибн Ҳотам (розияллоху анху)дан ривоят қилинган ҳадисларини эслашни лозим топдим. Ҳадиси шарифда: “Қайсингиз яримта хурмони садақа қилиб бўлса ҳам, юзини дўзах оловидан асрашга қодир бўлса, шу ишни қилсин”, деганлари таъкидланади. Аллоҳ ҳар биримизни хайру саховатли бандаларидан қилсин!

**Алишер НАИМОВ,
Фарғона вилояти бош имом-хатиби
ўринбосари.**



“Фарғона ҳақиқати” газетаси таҳририя-тининг Афғонистондаги ахборот ҳамкори Ферузуллох Сирдош хабар беради:

Огаҳий асари Афғонистонда нашр этилди

Буюк мутафаккир, забардаст шоир, ўзбек фарзанди Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” асари Афғонистонда кирилл алифбосидан араб алифбосига ўгирилиб, нашр этилди.

Кулліётни афгон халқининг етук олими ва ёзувчиси Абдул Мажид Узгун ўғирган бўлиб, унда лирик шоирнинг энг сара ғазал, рубоий, мустазод, мухаммас, мусаддас, туюк, маснавий, чистон каби жанрларда ёзилган ижод намуналари ўрин олган.



Форёб вилоятининг Андхўй туманида ушбу асарнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этган шоирлар, ёзувчилар, маънавият жонқуярлари, ўзбек тили ва адабиёти шайдолари таъкид этганларидек, Огаҳий асарининг араб алифбосида нашр этилиши тарихий воқеялиқдир. Унинг нашрга тайёрланиши устида олиб борилган меҳнатнинг ўзи ўта залворли. Огаҳий ижоди бадийят ва ҳажм жиҳатидан Навоийдан кейинги ўринда

турувчи адабий мерос. Лирик шоир наикни Шарқ мумтоз сўз санъати, балки дунё адабиёти хазинасига ҳам ўз шеърлари, тарихий ва таржима асарлари билан муносоиб ҳисса қўшган даҳодир. Ҳазрати шоир шеърив ва насрий меросларида юксак умуминсоний ғояларни, ўзбек тилининг бекиёс сўз бойлиги, чексиз ифода имкониятларини бутун ҳозибаси билан намоеън этган.

Тадбирда Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди.

МИБ хабарлари

ҚАРЗДОРДАН 634,4 МИЛЛИОН СЎМ УНДИРИЛДИ

Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг 2024 йил 30 октябрдаги қарорига асосан қарздор – “Бағдодмахсуссупудрад” МЧЖдан 41 нафар даъвогар ишчи-ҳодимлар фойдасига жами 634,4 миллион сўм иш ҳаққини ундириш бўйича ижро ҳужжати бюронинг Бағдод туман бўлими томонидан ижрога қаратилиб, қарздорга ихтиёрий мuddат берилган эди.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ қарздорлиги пеня ва қўшимча тўловлар билан ундириб олиниши тадбиркорлик субъектларига маълум. Бироқ Фарғона шахридаги “Ф.М.З.” масъулияти чекланган жамияти масъуллари қонунчилик талабини унутишди чоғи, 904 миллион сўм солиқ қарздорлиги вужудга келди. Ихтиёрий мuddат белгиланса-да, мажбурий тўлов бартараф этилмади.

Инсон ҳуқуқлари – ҳар бир шахснинг қадр-қиммати ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган қоидалар мажмуасидир. Улар ҳуқуқий давлат конституциявий ҳуқуқининг негизини ташкил этиб, шахснинг ҳуқуқий мақоми асосини ва асосий ҳуқуқларини мужассамлаштиради.

Қарздор суд қарорининг ижросини таъминлаш чорасини кўрмагач, олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари натижаcида даъвогарларнинг ойлик иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

**Аброр УСМОНОВ,
Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилоят
бошқармасининг катта инспектори.**

МОЛ ТОПГУНЧА, ҲИСОБ ТОП!

Шундан сўнг МЧЖнинг ҳисоб рақами, автотранспорт воситаси ва қўчмас мулкига белгиланган тартибда тақиқ қўйилгач, мутасаддиларнинг “кўзи очилди”. Шу тарика солиқ қарздорлиги ундирилиб, давлат бюджетига йўналтирилди.

**Дилшоджон АЛИАХУНОВ,
Мажбурий ижро бюроси Фарғона вилоят
бошқармасининг катта инспектори.**

МОДДИЙ ТАЪМИНОТ – ҲАҚАТ ПУЛ ЭМАС

Бувайдалик Н.Х. бир нафар вояга етмаган фарзанди учун алимент тўлаши лозим эди. Аммо у тўловни ўз вақтида амалга оширмай қўйганлиги сабабли 24 миллион сўм қарздорлик юзага келди.

Афсуски, Н.Х. алимент мажбуриятини бажариш ўрнига, давлат ижрочиларидан қочиб юришни раво кўрди. Натижада унга нисбатан қидирув эълон қилинди. Буни қарангки, қочоқ ота Сирдарё вилоятида ёлланма ишчи сифатида ишлаб юрган экан.

МИБ ходимлари ва жамоатчилик вакиллари томонидан қарздорнинг яқин қариндошларига алимент тўламаслигининг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилганидан сўнг Н.Х.нинг акиси 9 миллион сўм ҳамда бир тоннадан зиёд гуруч бериб, укасининг қарздорлигини бартараф этди.

**Санжарбек ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Мажбурий ижро бюроси Бувайда тумани
бўлими давлат ижросичи.**

Хабарингиз борми?

Транспорт вазирилик йўловчи ташиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ташувчиларни Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Хитойга автобус қатновларини ташкил этишда ҳамкорликка қақирди.

Қайд этилишича, халқаро ташувларда автобус қатновлари улушини ошириш, йўловчи ташиш фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида республиканинг турли ҳудудларидан қуйидаги халқаро йўналишларда автобус қатновларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

ҚОЗОҒИСТОНГА:
“Бухоро – Туркистон”;
“Урганч – Оқтов”;
“Фарғона – Олмаота”
(Тожикистон орқали).
ТОЖИКИСТОНГА:
“Самарқанд – Душанбе”;

“Бухоро – Душанбе”.
ҚИРҒИЗИСТОНГА:
“Андижон – Ўш”;
“Андижон – Жалолобод”;
“Андижон – Арсланбоб”;
“Косонсой – Жалолобод”;
“Бухоро – Бишкек”.

РОССИЯГА:
“Сурхондарё – Бухоро – Урганч – Нукус – Москва”;
“Урганч – Нукус – Уфа”;
“Нукус – Краснодар”;
“Тошкент – Уфа”;
“Тошкент – Краснодар”.
ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА:
“Нукус – Урганч – Бухоро – Урумчи”.

Хабарда мунтазам халқаро йўналишларда автобус ташувларини амалга ошириш истагидаги ташувчилар юқорида кўрсатилган йўналишларда паритет қатновларни амалга ошириш истагидаги хорижий ташувчиларни жалб қилган ҳолда Транспорт вазириликка мурожаат қилиш мумкинлиги қайд этилган.

Шунингдек, бошқа мунтазам халқаро автобус йўналишларида фаолият юритиш истагидаги ташувчилар хорижий ташувчилар билан паритет асосида ишлашга келишган ҳолда, вазириликка ўз тақлифларини киритишлари мумкинлиги маълум қилинди.

**Ш.МАМАТУРОВА,
ўза.**

ЎЗБЕКИСТОНДАН ХИТОЙ, РОССИЯ ВА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАРГА АВТОБУС ҚАТНОВЛАРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ



Ҳамза Ҳакимзода НИЁЗИЙ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БИР КЕЛУБ КЕТСУН

Сабо арзимни еткур, моҳитобон бир келуб кетсун,
Тамоми ҳусн элининг шоҳи-султон, бир келуб кетсун.
Тутарга бир дами суҳбат асирот нотовон бирлан,
Дариғ тутмай нигорим бўлса имкон, бир келуб кетсун.
Неча кундан бери кўрсатмайин васлин соғинтурди,
Тараҳхум айласун ул шўҳи жонон, бир келуб кетсун...
Қафас ичра всирам андалибдек доғи ҳахридан,
Агар бир марҳамат қилса гулистон, бир келуб кетсун.
Ва ё қилмоқ эса қурбон бу зулму кори боридан,
Олиб қўлига ханжар марди майдон, бир келуб кетсун.
Фироқи фирқатидан етди бошим бистари ғамга,
Қўрага ул ҳақими қобилистон бир келуб кетсун.
Кетуб тандан мадорим, гул юзим чун заъфарон ўлди,
Дилимни қуввати, дардимга дармон, бир келуб кетсун.
Агарчи мандан ўтган бўлса ҳар саҳву хато дилдор,
Кечурсин, товба қилдим, юз пушаймон бир келуб кетсун.
Ниҳонийга неча аҳду вафолар боғлаган эрди,
Дегил кўп қилмасун аҳдини ёлгон бир келуб кетсун.

1908 йил.

МАКТАБ

Эрур илму адаб, фазлу ҳунар осори мактабдан,
Етар ҳар рутбаи олий эса такрор мактабдан.
Ҳама гулшан уза ёмғур ёғуб чун сабзазор этса,
Тараққий гулшани обод ўлур анҳори мактабдан.
Ҳама иззу, шарофат ҳам саодат қонидур мактаб,
Етар ики жаҳонда матлабинг зинҳор мактабдан.
Қаю миллатда мактаб ўлмаса бешак ҳароб ўлгай,
Ҳама миллатда шул-чун гуфтуғў бисёр мактабдан.
Ҳама илму маориф ганжини деворидир мактаб,
Ҳама ҳикмат чиқар бу маҳзани асрори мактабдан.
Чиқиб турмакда ҳар кун юз туман асбоб-ашёлар,
Тамоман асли бешак меваи ашжор мактабдан.
Қўшар иисоп қаторига қилуб инсонларни инсон;
Ўқуб илму адаб бўлгай керак ҳушёр мактабдан.

1914 йил.

ЎҚИ!

Қўзимизга кўриниб турган ҳама асбоблар
Ҳеч бири бўлмас эди, гар бўлмаса, зинҳор уқув.
Ер ичида кўмилиб ётган ҳама олтин, қумуш
Юзага чиқди бари боис анга ахбор, ўқув...
Гар дилингда ўйлаган орузга етмоқ истасанг,
Қиммат умринг қилмагил беҳудага бекор, ўқи!
Қўй ўйин, сайру тамошони, ғанимат ёшлигинг.
Шўм феъллардан ўзингни айлагил безор, ўқи!
Эй ўғил, дунёда бўлмоқ истасанг олижаноб,
Ўқигил мактаб келиб, зинҳор ўқи, минг бор ўқи!

1914 йил.

КИТОБ

Ҳар кўнгилнинг орзуси шул эрур оби-ҳаёт,
Қадрини билган кишига, шубҳасиз, жондир китоб.
Ҳар муроднинг бошидир, ҳар муддаонинг гавҳари,
Ҳар маразларнинг шифоси, яъни луқмондир китоб.
Кўзни нури, дил ҳузур, дилларинг дармонидир,
Ҳар қоронғу дилга гўё моҳитобондир китоб.
Ҳар балодан асрағучи энг муҳим қиммат ароғ.
Тири ваҳшат, ханжари зиллатга қалқондир китоб.
Ҳар киши ёшликда қилса озгина файрат агар,
Тез замонда ошно бўлмоғи осондир китоб.

1914 йил.

XIX асрнинг 60-йилла-
рида Россиянинг чегара-
лари учта қитъа бўйлаб
– Шимолий Америкагача
чўзилиб кетган, уларни
назорат қилиш осон эмас-
ди. Ушанда Россия олдида
иккита – Аляскани ўз назо-
рати остида ушлаб қолиш
ёки Осиёдаги мавқеини
мустақамлаш танлови
рўбарў бўлади.

Тарих саҳифаси

Аляска аслида ижарага берилганимизми?

Руслар иккинчисини танлашади
ва бундан 157 йил аввал Аляска АҚШга
сотилади. Бугун кўпчилик россияликлар
Чор Россиясининг ана шу қарори нотўғри
бўлганини ва Аляска султекинга сотилганини
айтади.

Колумб Американи кашф этганидан сўнг
Ғарбий Европа давлатлари дунёнинг тур-
ли ҳудудларини ўз назоратига олиш учун
рақобат олиб бораётган пайтда Россия ав-
валига Урал, сўнг Сибирни эгаллайди. Сўнг
Беринг бўғозидан ўтиб, Шимолий Америкага
ўтади.

1732 йилда Михаил Гвоздев ва Иван Фе-
доров бошчилигидаги экспедиция Аляскага
етиб келади. Кейинроқ руслар қитъа ичкари-
сига кириб боришади ва жуда катта ҳудудга
эғалик қилишади. Уша пайтда руслар 1,5 млн.
квадрат километрдан ортиқ ҳудудни ўз назо-
ратларига олишга муваффақ бўлади. Масофа-
нинг жуда узоклиги ва совуқ об-ҳаво Аляска-
ни ўзлаштиришда қийинчиликлар туғдирарди.
Қолаверса, катта ҳудудни назорат қилиш жу-
да қийин эди ўша даврда.

1853 йилда турклар билан Қрим уруши бош-
ланади. Россия ўзининг барча ҳарбий ресурсларини
шу урушга йўналтиради. Граф бундай
шароитда Россия Аляскани назоратида ушлаб
қололмайди деб ҳисоблаган. Уша пайтда бри-
танияликлар Шимолий Америкада ҳам русларга
асосий рақобатчи бўлаётганди. Улар Канаданинг
катта қисмини назорат қилар ва тўхтовсиз равишда
ўз ҳудудини шимолга, Аляскага қараб кенгайтириб
келаётганди. Шу учун руслар Аляскани Британиянинг
асосий душмани бўлган АҚШга сотишни режа
қилишади. Шунингдек, АҚШ қитъа шимолидаги
ҳудуд ўзининг асосий рақобатчиси брита-
нияликлар назоратига ўтиб кетмаслиги учун
ҳар нарсасга тайёр эди.

Шундан қилиб, Россия Аляскани британия-
ликларга текинга олдириб қўйгандан кўра,
хўрмат борида АҚШга сотиб юборишга қарор

қилишади. 1867 йил 18 март куни
президент Эндрю Жонсон расмий ра-
вишда АҚШ давлат котиби Сьюардга Россия
билан Алясканинг сотилиши бўйича музока-
ралар олиб бориш учун ваколат беради.

Эдуард Стекл ва Сьюард ўртасида ўтқа-
зилган музокараларда АҚШ Россия томони так-
лиф этган ҳудуд учун 7,2 миллион АҚШ дол-
лари тўлашига келишилиди. Ҳар икки томон
шартномани ратификация қилгач, 1867 йил
18 октябрь куни Аляскани америкаликларга
топшириш маросими ўтказилади. АҚШ деле-
гацияси денгиз орқали етиб боради. 1868 йил-
да Россия – Америка компанияси тугатилади.
Аляска АҚШга ўтгач, у ерда яшовчи руслар-
нинг бир қисми Россияга қайтади. Бошқалари
эса яшаб қолади.

Алясканинг ижарага берилгани ҳақидаги гаплар
СССР даврида бўлмаган, асосан иттифок
парчаланиб кетгач урчиди. Бироқ бу гаплар-
да мутлақо асос йўқ. Аляска АҚШга ижарага
берилмаган. Россия империяси томонидан
нархланиб, томонларнинг ўзаро розилиги ва
келишуви билан бутунлай сотиб юборилган.

АҚШликлар сотиб олгандан сўнг ҳудуд
аввалига Аляска округи деб номланади.
1912 йилдан бошлаб "Аляска ҳудуди" деб
ўзгартирилади. 1959 йил 3 январь куни Аляс-
кага штат мақоми берилади.

Бугун Аляска АҚШда олтин ва нефть қазиб
олиш бўйича иккинчи ўринда туради. Амери-
када қазиб олинаётган нефтнинг 20 фоизи
Аляска ҳиссасига тўғри келади. Прудо-Бей
нефть кони нафақат бу мамлакатдаги, балки
дунёдаги йирик конлардан бири ҳисобланади.
АҚШда аниқланган нефть захираларининг 8
фоизи айнан шу ерда жойлашган.

Шунингдек, дунёдаги рух захирасининг 10
фоизи Аляскада. Бундан ташқари, қумуш,
кўрғошин ва бошқа фойдали қазилма бойлик-
ларининг жуда катта захираси аниқланган.

(Манба: <https://t.me/IJOD07>).



Russia

Alaska



”Нефтчи”
таркибни
кучайтиряпти



Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг Суперлигасида
иштирок этган Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси ўтган мавсумни
5-ўрин билан якунлади. Футболчиларимиз 26 марта яшил май-
донга тушиб, 11 марта ғалаба қозонишган бўлса, 10 та учра-
шувда мурося йўлини танладилар, 5 та ўйинда мағлубият қайд
этилди. Рақиблари дарвозаси 32 марта аниқ нишонга олинди,
24 та тўп ўтказиб юборилди. Жамоа 43 очко жамғарган ҳолда,
турнир жадвалининг 5-поғонасидан жой олди.

Бу йилги чемпионатда "Нефтчи" жамоаси сов-
ринли ўринни эгаллаши учун клуб раҳбарияти
ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб таркиб-
ни қучайтиришга киришди.

Клуб матбуот хизмати маълумотига кўра,
ўтган мавсумда "Навбахор" таркибида тўп сур-
ган ярим ҳимоячи Абдор Исмоилов жамоага
қайтди. Навойининг "Қизилқум" жамоаси аъзо-
си, ҳужумкор ярим ҳимоячи Мухаммадали
Ғиёсов ҳам фарғоналиклар сафида ўйнайдиган
бўлди. Жамоамиз шарафини анча йиллар-
дан буён ҳимоя қилиб келаётган тажриба-
ли ҳимоячи Мухсинжон Ўбайдуллаев ўзаро
ҳамкорликни давом эттиришга розилик билдир-
ди. Шунингдек, ҳужумчи Билолхон Тошмирзаев
ва дарвозабон Акбар Тўраев билан шартнома
муддати узайтирилди.

Эндиликда "Нефтчи" дарвозасини Элдорбек
Суёнов ҳам кўриқлайди. У ўтган мавсумда
"Навбахор" жамоаси таркибида майдонга туш-
ган. Корея Республикасининг "Соннам" жа-
моасида ҳаракат қилган ярим ҳимоячи Икром
Алибоев клуб билан 2026 йилгача бўлган шарт-
номасини бекор қилиб, "Нефтчи" таркибига
қўшилди. Дастлаб "Насаф", кейинчалик "Бухо-
ро", "Бунёдор", Баҳрайннинг "Ал-Мухаррак",
Корея Республикасининг "Теджон Ситизен",
Озарбайжоннинг "Кешля", Олмалиқнинг ОКМК
жамоаларида футболчилик фаолиятини да-
вом эттирган ярим ҳимоячи Шохрух Гадов
ва "Навбахор"нинг иқтидорли ҳимоячи, мил-
лий терма жамоа аъзоси Фаррух Сайфиев ҳам

"Нефтчи" билан шартнома имзолади.
Шунингдек, яна бир Ўзбекистон терма жамоа-
си аъзоси, моҳир ярим ҳимоячи Жамшид Искан-
деров билан келишувга эришилди. У професси-
онал футболдаги фаолиятини Самарқанднинг
"Динамо" клубида бошлаган. Кейинчалик "Пах-
такор", "Локомотив", Корея Республикасининг
"Сеонгам" жамоаларида ўйнаган. Ўтган фут-
бол мавсумини "Навбахор" сафида ўтказган.
"Нефтчи" клуби "Пахтакор", "Сўғдиёна",
"Навбахор" каби кучли жамоаларида тўп сурган
ярим ҳимоячи Жамшид Болтабоевни ҳам ўз тар-
кибига қўшиб олди.

Эътиборлиси, клуб легионерлар ҳисобида
таркибни қучайтириш ва ўйин услубини

ўзгартиришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда,
2023 йилда жамоада фаолият юритган ва мух-
лислар меҳрини қозонган Тома Табатадзе билан
шартнома имзоланди. У ўтган йили "Навбахор"
клубида ўйнаб, рақиблар дарвозасига 9 та гол
уришга муваффақ бўлган.

Черногориялик ярим ҳимоячи Владимир Йо-
вович ҳам янги мавсумни "Нефтчи" таркибида
ўтказади. У билан икки йиллик шартнома ту-
зилди. Ўтган мавсумда Жиззахнинг "Сўғдиёна"
жамоасида ўйнаб, Ўзбекистон Професионал
лигаси томонидан йилнинг энг яхши легионе-
рига айланган. В.Йовович Черногория миллий
терма жамоасининг аъзоси сифатида шуҳрат
қозонган.

Сербиялик Зоран Марушич Қаршининг "На-
саф" клубида Ўзбекистон чемпиони бўлганидан
хабардорсиз. Авваллари Сербия, Босния ва Гер-
цеговина, Беларусь, Грузия давлатлари клуб-
лари, Наманганнинг "Навбахор"ида тўп сурган
маҳоратли ҳужумчи жорий йилги чемпионатда
"Нефтчи" таркибида яшил майдонга тушади.

Яна бир сербиялик ҳимоячи Иован Жокич
"Навбахор"дан "Нефтчи"га ўтди.
Жамоамиз 5 январдан янги мавсумга тайёр-
гарликни бошлади. Клуб режасига кўра, тай-
ёргарлик жараёни иккита хориж йигинидан
иборат бўлиб, ҳар иккаласи ҳам Туркиянинг
Анталья шаҳрида ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўз мухбиримиз.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetaları tahririyatı	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyot uyı" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Бюджет: 11014.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.	
			Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.	
Бош мухаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума куни чиқади. Адади: 2795 нуса.	★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи мухаррир: Муаттар Махмудова.	Саҳифаловчи: Алишер Розиков.	
			Босишга топириш вақти: 18.00. Топирилди: 16.00.	

